

ИЛМИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА

УЎК (УДК, UDC): 002

ИЛМИЙ МАҚОЛА АННОТАЦИЯСИ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?⁴

Татьяна Андреевна КОВАЛЕВА

Илмий журналларнинг
қўшма таҳририяти таржимони
Г. Р. Державин номидаги Тамбов давлат университети
ybrightside@yandex.ru

Ирина Валерьевна ИЛЬИНА

Илмий журналларнинг
қўшма таҳририяти масъул котиби
Г. Р. Державин номидаги Тамбов давлат университети
vestnik@tsu.tmb.ru

Аннотация

Аннотацияда турли услуб ва жанрдаги матнлар кузатилади: китоблар, мақолалар, қўлёзмалар ва нашр материаллари. Аннотация ўқувчилар, муҳаррирлар, тузувчилар, тақризчилар ва албатта, муаллифлар учун бу ҳақда тушунча ҳосил қилиш, танловда ва гуруҳлаштиришда ёрдам бериш ҳамда ўқувчининг мазкур мавзуга ўхшаш бўлган бошқа мақолаларга ўтиб кетмаслиги учун керак. Аннотациянинг асосий мақсади — мавзуни тақдим этиш ва мақоладаги асосий фикр ва энг муҳим тезисларни айтиш ҳамда шу мавзуга оид бошқа мақолалардан нимаси билан фарқланганини кўрсатиб беришдан иборат. Аннотацияда мақоланинг таркиби ва унда белгиланган мақсаднинг асосий хусусиятларни, илмий янгилиги, долзарблиги, уникалликни иқтибос келтирмаган ҳолда кўрсатилиши дозим. Аннотация қидирув-информацион функцияни бажаради: берилган мавзуга мақоланинг релевантлиги (тегишлилиги)ни акс эттиради. Бу жиҳат берилган алгоритмлар бўйича компьютер тизимида автоматик қидирув имкони мавжуд бўлган замонавий илмий доира учун муҳим ҳисобланади. Хорижий илмий ташкилотлар ва инлизабон нашриётлар билан ҳамкорлик қилиш мақолани инглиз тилидаги аннотацияси билан биргаликда беришни талаб этади. Инглиз тилидаги аннотация рус тилида мулоқот қилиш имконига эга бўлмаган ўқувчилар учун мўлжалланган, бу аннотация максимал даражада саводли ва адекват (асли билан айнан бир хил) бўлиши лозим.

Калит сўзлар: ахборот манбаси; аннотация; калит сўзлар; структура; расмийлаштириш тартиби.

КАК НАПИСАТЬ АННОТАЦИЮ К НАУЧНОЙ СТАТЬЕ?

⁴Ковалева Т.А., Ильина И.В. Как написать аннотацию к научной статье // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. Тамбов, 2016. Т. 21. Вып. 12 (164). С. 173-177. DOI 10.20310/1810-0201-2016-21-12(164)-173-177.

Татьяна Андреевна КОВАЛЕВА

Переводчик объединенной редакции научных журналов
Тамбовский государственный университет им. Г.Р. Державина
ybrightside@yandex.ru

Ирина Валерьевна ИЛЬИНА

Ответственный секретарь объединенной редакции научных журналов
Тамбовский государственный университет им. Г.Р. Державина
vestnik@tsu.tmb.ru

Аннотация

Аннотациями сопровождаются тексты разного стиля и жанра: книги, статьи, рукописи и публикации. Аннотации нужны читателям, редакторам, составителям, рецензентам и самим авторам, чтобы получить представление о предстоящем чтении, помочь в выборе, классифицировать и не потерять статью среди других на похожие темы. Главная цель аннотации — передать тему и основную мысль статьи, ее важнейшие тезисы и отличия от других статей аналогичной тематики. Она должна продемонстрировать особенности статьи с точки зрения ее назначения и содержания, новизну, актуальность и уникальность, при этом не цитируя и не пересказывая текст. Аннотация выполняет поисково-информационную функцию: отражает релевантность статьи заданной теме. Это особенно важно в современном научном мире, где поиск информации осуществляется автоматическими компьютерными системами по заданным алгоритмам. Сотрудничество с зарубежными научными учреждениями и публикации в англоязычных изданиях требуют сопровождения статей англоязычными аннотациями. Аннотация на английском языке адресована читателям, не владеющим русским языком, поэтому должна быть максимально грамотной и адекватной тексту статьи.

Ключевые слова: источник информации; аннотация; ключевые слова; структура; оформление.

HOW TO WRITE AN ABSTRACT TO SCIENTIFIC ARTICLE?

Tatiana Andreevna KOVALEVA

Translator of Incorporate Editorial of Scientific Journals
Tambov State University named after G.R. Derzhavin
ybrightside@yandex.ru

Irina Valerevna ILYINA

Executive Editor of Incorporate Editorial of Scientific Journals
Tambov State University named after G.R. Derzhavin
vestnik@tsu.tmb.ru

Abstract

Abstracts are accompanied by texts of different style and genre: books, articles, manuscripts and publications. Abstracts are necessary for readers, editors, compilers, reviewers and authors themselves in order to get an idea about oncoming reading, to help to choose, to classify and not to lose article among others of the similar topics. The main purpose of an abstract is to convey theme and main idea of the article, its most important theses and differences from other articles of similar subject. It has to show special aspects of the article according to its purpose and content, novelty, relevance and uniqueness without citing or retelling the text. Abstract also makes search and information functions: it shows relevance of the article to the topic. It is important in the modern scientific world, where search of information is made by automatically computer

systems basing on specified algorithms. Cooperation with foreign scientific institutes and publications in English-speaking periodical require to send articles with abstracts in English. Abstract in English addresses to readers, who do not speak Russian, that is why it should be competent and equivalent to the text of the article.

Keywords: source of information; abstract; key words; structure; editing

Илмий тадқиқотчилар, аспирант ва кўплаб талабалар илмий мақола, албатта, аннотацияси билан биргаликда берилиши лозимлигини билади. Аммо уларнинг аксарияти аннотация аслида қандай ёзилиши кераклигини билмайди. Ҳар ўқув йили бошланишида аннотация ҳақида маълумот берилади, аммо илмий доира вакиллари кўпчилиги аннотация ёзишнинг муҳимлигига унчалик эътибор қаратмайдилар. Улар бу борада аннотация ёзишни яхши биладиган муҳаррир ёки копирайтерлар билан ҳамкорлик қиладилар ва улар аннотациянинг барча техник жиҳатларини ўз зиммаларига оладилар. Ёш тадқиқотчилар бўлса, аннотацияни ўзлари мустақил тарзда ёзадилар ва бунда кўплаб хатоларга йўл қўядилар. Хатога йўл қўйиш — одатий ҳол, аммо бу камчиликлар орқали улар ўз илмий мақолаларининг нашр этилишини ортга сурадилар, илмий жамоатчилик томонидан бу илмий иш тан олинмаслиги мумкин ва бу мутахассиснинг касбий ўсишига тўсқинлик қилади.

Баъзида яхши ёзилган мақола нотўғри аннотация туфайли юқори баҳоланмаслиги мумкин. Ўзингиз ёзган аннотация қайтмаслиги, ўз вақтингизнинг тежалиши ва энг муҳими меҳнатингизни қайтадан бажармаслигингиз учун энг яхши йўл, бу — илмий мақола аннотацияси қандай ёзилиши ҳақидаги маълумотни ва яхши ёзилган аннотациялардан бир нечтасини ўзингиз учун сақлаб қўйинг. Мақола аннотациясининг шаблонлари аниқ, содда ва лўнда бўлади, аммо бу шаблонлардан оқилона фойдалана билиш даркор.

Аннотация нима?

Муаллифлик мақоласи ёки лойиҳанинг аннотацияси, бу — ишнинг қисқача тавсифи. Аннотацияда албатта қуйидаги қисмлар бўлиши шарт: долзарблик, муаммонинг қўйилиши, муаммони ҳал қилиш йўллари, натижа ва хулосалар (бу қисмлар ҳақида батафсил маълумот қуйидаги жадвалда берилган). Ҳар бир қисмни бир-иккита гап орқали ёзиш мумкин. Аннотацияни ёзишда энг муҳим жиҳат, бу — баённинг изчиллиги ва аниқлиги. Аннотация ўзида мақоланинг асосий мазмуни ва олинган натижаларни акс эттириши лозим, аммо бу қисм кириш ёки хулоса вазифасини ўтамаслиги лозим.

Бугунги замонавий илмий журналларда кириш қисми мавжуд бўлса-да, аннотация мақола бошида берилади (сарлавҳа, муаллиф исми-шарифи ва калит сўзлардан кейин).

Инглиз тилидаги адабиётларда кўп ҳолларда аннотация “Abstract” номи билан берилади.

АННОТАЦИЯНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Сўзлар чегараси. “Тамбов университети хабарномаси («Вестник Тамбовского университета»)»нинг мақола ёзиш талабларида белгиланишича, аннотация 150–200 сўздан иборат бўлиши керак (давлат стандартига кўра аннотация ўртача 500 белгидан иборат бўлади [1]).

Вақт бирлиги. Ёзилган мақола ва тадқиқотлар учун аннотация *ўтган замонда* ёзилиши мақсадга мувофиқдир.

Структураси. Аннотацияни ёзишда умумий қабул қилинган стандартлардан фойдаланиш лозим (1-жадвал) [2].

1-жадвал

Аннотациянинг асосий таркиби

Аннотация таркиби	Тавсифи	Намуна
Долзарблиги	Биринчи навбатда, ўрганилаётган тадқиқот муаммоси ёки таклиф қилинаётган лойиҳанинг қай даражада муҳим эканлигини кўрсатиш керак. Ўқувчи кўз ўнгида муҳокама қилинаётган муаммо нима учун изланишни талаб қилиши лозимлиги шаклланиши даркор.	Сўнгги вақтларда блоглар хорижий тилларни ўрганишда социал хизмат тури сифатида шаклланмоқда.
Муаммонинг кўйилиши	Долзарблик баён қилинганидан сўнг илмий мақола (лойиҳа)да ҳал қилиниши талаб этилаётган муаммо аниқлаштирилиши керак.	Бироқ илмий адабиётларда социокултурологик компетенцияни шакллантиришда блоглардан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳақидаги тадқиқотлар мавжуд эмас.
Муаммони ҳал қилиш йўллари	Аннотациянинг ушбу қисмида мавжуд муаммони ҳал қилишга қаратилган аниқ қадамлар санаб ўтилиши керак. Тадқиқотнинг назарий қисмида (бу қисмда эксперимент тавсифи ва олинган натижалар таҳлили берилмайди) тадқиқотдаги назарий саволлар	Биринчидан, социокултурологик компетенциянинг таркибий қисми аниқланган. Иккинчидан, блоглар орқали социокултурологик компетенцияни шакллантириш

	келтириб ўтилиши мумкин. Экспериментга асосланган тадқиқотларнинг (агар бу ишда экспериментнинг статистик маълумотлари берилган бўлса) ушбу қисмида эса экспериментал ишларни ўтказиш усуллари, тадқиқ этилаётган ўзгаришлар келтириб ўтилади.	методологияси ишлаб чиқилган; учинчидан, блог орқали социокультурологик компетенцияни шакллантиришга қаратилган экспериментал машғулотларни тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, унинг миқдорий ва сифатий натижалари таҳлили келтириб ўтилган.
Натижалар	Бу қисмда экспериментнинг миқдорий ва сифат натижалари кўрсатиб ўтилади. Натижани аниқ рақамлар (рақамлар нотўғри талқин этилиши мумкин) асосида эмас, балки “самарадор бўлди” ёки “самарасиз яқунланди” каби умумий сўзлардан фойдаланиш орқали бериш тавсия этилади.	Тадқиқот шуни кўрсатдики, 10 ҳафталик цикл мобайнида аксарият ўқувчилар блоглар орқали ўзларининг социокультурологик компетенциясини шакллантира олдилар. Бу таклиф этилаётган методиканинг самарадорлигини тасдиқлайди.
Хулоса	Хулоса қисмида тадқиқот натижаларини қайси соҳага жорий этиш лозимлиги, олиб борилган изланиш мавжуд тушунчалар ёки мавжуд муаммоларни қай даражада бойитгани ҳамда мавжуд муаммонинг таклиф қилинган янги ҳал қилиш йўллари аниқлаштирилиши керак.	Олинган натижалар хорижий тилларни ўрганишда блогларнинг методик потенциали доирасидаги билимларни янада бойитишга хизмат қилади.

Баён қилишнинг соддалиги. Муайян соҳадаги мутахассисларнинг кенг доираси учун аннотация тили содда ва тушунарли бўлиши керак. Барча учун таниш бўлган умумқабул қилинган терминлардан фойдаланиш тавсия этилади. Фикрни аниқ ифодалаш учун барқарор ифодалар, нутқнинг стандарт тузилмалари, шунингдек, стандартлаштирилган иборалар (...кўриб чиқилди, ...ўрганилди, ...тақдим этилди; тадқиқотнинг долзарблиги..., ...асосий эътибор қаратилди, тадқиқотнинг асосий мазмуни шундан иборатки..., тадқиқот натижаларига кўра... кабилар)дан фойдаланиш керак.

Деталларнинг мавжуд эмаслиги. Аннотацияда ортиқча деталлар, аниқ рақам ва формуаларни беришдан қочиш керак. Аннотацияда иқтибос келтириш тавсия этилмайди.

Бу қисмда мақола қайси жиҳати билан оригиналлик касб этиши, унинг устида ишлангани аниқ баён қилиниши, тадқиқотга оид фактик материаллар, олинган натижалар ва хулоса ҳақидаги айрим жиҳатларни ўзида акс эттирувчи иллюстратив матн берилиши керак. Агар мақолада амалий қисм мавжуд бўлса, буни ҳам қайд этиб ўтиш керак.

Калит сўзлар. Кўп ҳолларда муаллифлар ишнинг калит сўзларини алоҳида ажратиб кўрсатиш кераклигини сўрайдилар. Бу мақолаларни қидирув тизими орқали излаш ҳамда уларни мавзулар бўйича классификация қилишда керак бўлади. Муаллиф хоҳишига кўра калит сўзлар сони белгиланган чегара (лимитдан 5–6та сўз кўпроқ)дан ортиқ миқдорда берилиши ва бу орқали мақоланинг қидирув тизими орқали изланганда кўпроқ топиш имкони мавжуд бўлишига эришиш мумкин. Бу сўзлар мақоланинг асосий мазмунини ўзида акс эттириши керак. Имкони бўлса, сарлавҳа ва аннотацияда берилган терминларни бу қисмда такрорланмаслиги мақсадга мувофиқдир. Мақола матнидаги терминлар, соҳани аниқлаштирувчи ва ўзида бошқа муҳим тушунчаларни сақловчи терминларни бериш орқали қидирув тизимида мақолани топиш имконияти янада кенгаяди.

Инглиз тилидаги аннотация хусусиятлари

Инглиз тилидаги аннотация хусусиятларига кўра, халқаро миқёсдаги илмий журналларда ҳеч бир мақола инглиз тилида берилган муаллифнинг қисқа хулосаси (аннотация, реферат, абстракт) ва калит сўзларисиз чоп қилиниши мумкин эмас. Инглиз тилида нашр қилинадиган хорижий журналларнинг муаллиф қисқача хулосасига қўядиган талаблари жуда юқори. Рус тилида нашр қилинадиган журнал халқаро тизимдаги экспертизага тақдим қилинса, бу жараёнда рус тилидаги мақоланинг тўлиқ мазмунини очиб берувчи қисм унинг аннотацияси ва калит сўзлари бўлади. Аммо афсуски, бизнинг муаллифларимиз журнални экспертизага берганда ундаги мақоланинг **инглиз тилидаги аннотацияси (мақола мазмуни қай даражада тўлиқ ва аниқ баён қилинган), ҳажми ва тили** эътиборга олинишини яхши англамайдилар [3].

Рус тилидаги нашрларнинг инглиз тилидаги аннотациялари асосан хорижий ўқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, бу қисм улар учун тадқиқот натижалари ва мақоланинг асосий мазмуни ҳақида билиб олиш учун ягона манба ҳисобланади. Хорижлик мутахассислар нашрни унинг аннотациясига қараб баҳолайдилар. Бу орқали улар рус тадқиқотчисининг ишига қай даражада қизиқишлари ойдинлашади ҳамда хорижликлар муаллиф билан боғланишлари, ундан мақоланинг тўлиқ матнини олишлари мумкин.

Мақола аннотацияси мақоладан ажратиб олинганда ҳам маълумот манбаи вазифасини ўташи керак.

Аннотация қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- ахборот бериш — информативлик (умумий сўзлардан фойдаланмаслик керак);
- мазмундорлик (мақоланинг асосий мазмуни ва тадқиқот натижаларини ўзида акс эттириши керак);
- мантиқийлик (натижаларни тавсифлашда мантиққа асосланиши);
- инглиз тилида (сифатли инглиз тилида) ёзилиши;
- мухтасар баён қилиниши, аммо қисқа бўлмаслиги (100–250 сўз) [4].

Инглиз тилида аннотация ёзишда юқорида келтирилган структурага амал қилиш керак. Бундан ташқари, фикрни хорижий тилда аниқ ва тушунарли баён қилиш учун инглиз академик дискурсида қуйидаги клише (қолип сўзлар)лардан фойдаланиш тавсия этилади:

- The problem... is considered — муаммо кўриб чиқилди...
- ...are examined — ...муҳокама қилинди.
- It is examined, investigated... — ... тадқиқ этилди.
- It is analyzed... — ... таҳлил қилинди.
- It is revealed that... — аниқланишича ...
- It is determined... — белгиланди ...
- It is reported... — хабар қилинди...
- Much attention is given to... — муҳим аҳамият қаратилди...
- The difference between the terms...and... should be stressed — ... терминлар ўртасидаги фарқлар ажратиб кўрсатилди.
- ...is proposed — таклиф этилди ...
- ...are discussed — муҳокама қилинди ...
- The method proposed... etc. — таклиф қилинган метод...
- It is shown that... — шуни кўрсатмоқдаки...
- It is given... — берилди ...
- It is formulated... — ифодаланади...
- It is concluded that — хулоса қилиб айтганда...

Кўпинча аннотацияда ҳеч нарса ифоламайдиган, шунчаки ҳажмни оширадиган, лекин мақола мазмуни ва моҳиятини очиб бермайдиган сўзлар билан бойитилган бўлади. Таржимада махсус инглиз терминологиясидан фойдаланилмайди, сабаби бу хорижий мутахассисларнинг тушунишлари учун қийинчилик туғдириши мумкин. Ўз соҳаси доирасида қабул қилинган

терминологияни ўрганиш учун муаллифлар “Scopus” каби маълумотлар базасидан фойдаланишлари мумкин. “Scopus”га мурожаат қилиш орқали соҳага оид калит сўзлар, статистик маълумотлар кабилар билан танишиш имконига эга бўладилар.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, россиялик муаллифларнинг аннотация ёзишдаги энг катта қийинчилиги бу — тадқиқот ишининг натижаларини қисқа ҳолда ёзишдир. Шунинг учун аннотация ёзишда тасдиқланган вариант, бу – мақола структурасини қисқа кўринишдаги кириш, мақсад ва вазифалар, методлар, натижалар ва хулоса қисмини аннотацияда такрорлашдир. Бу усул хорижий журналлар амалиётида ҳам қўлланилади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, интернетда етакчи хорижий журналлар сайтлари, нашриёт платформаларининг муаллифлар учун берилган қўлланмаларини топиш мумкин.

Қуйидаги ҳавола орқали муаллифлар учун берилган қўлланма билан танишишингиз мумкин: <http://journals.plos.org/plosone/s/submission-guidelines>.

Эмералд нашриёти журналларига мақола берувчи муаллифлар учун инглиз тилида аннотация ёзиш учун қўлланма. а: <http://www.emeraldinsight.com/authors/guides/write/abstracts.htm>.

Эмералд нашриётининг сайтида бир қанча турдаги мақолалар учун ёзилган энг яхши аннотация намуналари берилган: <http://www.emeraldgroupublishing.com/authors/guides/write/abstracts.htm?part3>.

Хулоса қилиб айтганда, мавжуд (Россия журналлари ва халқаро журналлар тажрибаси) сифатли аннотация ёзиш кўникмаси асосидаги қоидалар муаллифларга ўз тадқиқот натижаларини аниқ ва самарали кўрсата билишда кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ГОСТ 7.9-95 (ИСО 214-76) СИБИД. Реферат и аннотация. Общие требования. М.: ИПК Издательство стандартов, 2001.
2. Сысоев П.В. Правила написания аннотации // Иностранные языки в школе. 2009. № 4. С. 81-83.
3. Кириллова О.В. Редакционная подготовка научных журналов по международным стандартам. Рекомендации эксперта БД Scopus. М., 2013. Ч.1.90 с.
4. Кириллова О.В. Редакционная подготовка научных журналов для включения в зарубежные индексы цитирования: методические рекомендации. М., 2012. 68 с. URL: <http://www.viniti.ru/download/russian/conf/DOP/01.pdf> (мурожаат вақти: 10.08.2016).
5. Правила написания аннотации / сост. С.П. Акутина. Центр научной мысли ООО «НОУ «Вектор науки». URL: <http://векторнауки.рф/doc/annotacia.doc> (мурожаат вақти: 10.08.2016).

6. Как написать аннотацию к научной статье: правила и примеры // НаучныеСтатьи.Ру/Блог/Научные статьи/. URL: <http://nauchniestati.ru/blog/kak-napisat-annotaciyu/> (мурожаат вақти: 26.02.2016). 2016. Т. 21, вып. 12 (164) 177

REFERENCES

1. GOST 7.9-95 (ISO 214-76) SIBID. *Referat iannotatsiya. Obshchie trebovaniya* (State Standard 7.9-95 (ISO 214-76) SIBID. Summary and abstract. Main regulations). Moscow, Publishing and Printing Complex Izdatel'stvo standartov, 2001. (In Russian).
2. Sysoy P.V. Pravila napisaniya annotatsii (Rules for writing an abstract). *Inostrannye yazyki vshkole* [Foreign languages for school], 2009, no. 4, pp. 81-83. (In Russian).
3. Kirillova O.V. *Redaktsionnaya podgotovka nauchnykh zhurnalov po mezhdunarodnym standartam. Rekomendatsii eksperta BD Scopus* (Editorial preparing of scientific journals according to international standards. Requirements made by Scopus expert), part 1. Moscow, 2013. 90 p. (In Russian).
4. Kirillova O.V. *Redaktsionnaya podgotovka nauchnykh zhurnalov dlya vklyucheniya v zarubezhnye indeksy tsitirovaniya: metodicheskie rekomendatsii* (Editorial preparing of scientific journals for inclusion in the foreign citation indexes: Guidelines). Moscow, 2012. 68 p. Available at: <http://www.viniti.ru/download/russian/conf/DOP/Ol.pdf> (accessed 10.08.2016).
5. Pravila napisaniya annotatsii (Rules for writing an abstract), compiler S.P. Akutina. Centre of scientific thought LLC “NOU “Vektor nauki”. Available at: <http://vektornauki.rf/doc/annotacia.doc> (accessed 10.08.2016).
6. Kak napisat' annotatsiyu k nauchnoy stat'e: pravila i primery (How to write an abstract to scientific article: rules and examples). NauchnyeStat'i.Ru/Blog/Nauchnye stat'i/ [Nauchniestati.Ru/Blog/Scientific articles]. Available at: <http://nauchniestati.ru/blog/kak-napisat-annota-ci-yu/> (accessed 26.02.2016).

Ситора Холматова таржимаси.